



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 24-may, seshanba,
59 (23.626)-son

КУН
ҲИКМАТИ

Чекаётган
азобидан ўз
камчилигини
қидирган одам
ғамдан тез халос
бўлади

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ олтмиш тўртинчи сессиясини чақириш тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-модда-
сига асосан **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти
Кенгашининг олтинчи чақириқ олтмиш тўртинчи
сессияси **2022 йил 27 май кuni соат 9:00 да**
чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар
киритилсин:

- вилоятда инвестиция соҳасида янги иш
ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини
таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар
тўғрисида вилоят ҳокимининг ўринбосари -
инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси
бошлиғи О.Мирзабековнинг ҳисоботи;
- вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи
А.Инағомовнинг вилоятда солиқ йиғувчанли-
ги, маҳаллий бюджет прогноз кўрсаткичлари
бажарилиши, Самарқанд шаҳри, Ургут ва
Иштихон туманлари, Жума ва Челақ шаҳарча-
ларидаги савдо ва хизмат кўрсатиш шохобча-
лари, савдо марказларида ноконуний фаолият
кўрсатиш, солиқдан қочиш ҳолатларининг
олдини олиш борасида қилинган ишлар тўғри-
сидаги ҳисоботи;

- вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи
Инатилло Ҳамроевнинг вилоятда транспорт хиз-
матларини ривожлантириш бўйича амалга оши-
рилган ишлар ҳамда белгиланадиган вазифалар
тўғрисидаги ҳисоботи;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 10 декабрдаги "Ўзбекистон Республи-
касининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфрату-
зилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа
давлат дастурлари ижроси устидан назоратни
кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида"ги ПҚ-43-сонли қарорининг ижроси
юзасидан вилоят ички ишлар бошқармаси бош-
лиғи Р.Маматовнинг ҳисоботи;

- "Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари
корхонаси" акциядорлик жамияти директори ва-
зифасини вақтинча бажарувчи С.Шомуротовнинг
вилоят аҳолисини узлуксиз электр энергияси
билан таъминлаш борасида олиб борилаётган
ишлари тўғрисидаги ҳисоботи;

- Марказий банкнинг вилоят бош бошқар-
маси раҳбари О.Азимовнинг ажратилган кредит
маблағларининг мақсадли ишлатилиши усти-
дан доимий назорат олиб борилганлиги билан
боғлиқ амалга оширилган ишлар тўғрисидаги
ахбороти;

- вилоятда тез тиббий ёрдам ва шовилинч
ёрдам хизматидаги мавжуд муаммоларни бартар-
аф этиш бўйича ҳудудий дастурни тасдиқлаш
тўғрисида;

- давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер
участкасини олиб қўйиш бўйича тақдирот мате-
риалларини қўриб чиқиш ва мулкдорлар билан
очиқ муҳокама ўтказиш тўғрисида.

- бошқа масалалар.

Вилоят ҳокими **Э.ТУРДИМОВ**

2022 йил 20 май

**Самарқандда "Юксалиш" умуммиллий ҳарака-
ти ташаббуси билан Марказий Осиё нодавлат
нотижорат ташкилотлари академиясининг илк
мулоқоти бўлиб ўтди.**

"Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ташаббуси билан Конрад
Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича
ваколатхонаси кўмағида ташкил этилган мазкур академия
минтақа мамлакатларининг йигирмадан зиёд ННТларини
бирлаштирган.

Мулоқот аввалида "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати раиси
Бобур Бекмуродов, Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг
Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси минтақавий вакили Ронни
Хайне сўзга чиқиб, кейинги йилларда Марказий Осиёда ўзаро
ҳамкорлик ва ишончни мустаҳкамлашнинг ижобий тенденцияси
кузатилаётганини таъкидлади. Шу билан бирга, ҳозирда бир қар-
тор долзарб масалалар ўз ечимини кутаётгани, олдинда кўплаб
вазифалар борлиги қайд этилди. Умумий вазифа эса минтақа
мамлакатлари ўртасида ишончни мустаҳкамлашнинг юзага ке-
лаётган тенденцияларини ортага қайтмайдиган қилишдир.

Иштирокчилар фикрича, ҳозирда ушбу жараёнларга фуқа-
ролик жамияти институтларини янада кенгроқ жалб этиш
мақсадга мувофиқ. Чунки улар минтақалараро ҳамкорликнинг
эришилган натижаларини мустаҳкамлаш, сазй-ҳаракатларни
бирлаштириш ва муҳим ижтимоий муаммоларни биргаликда
ҳал этишга бекиёс ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатларида ўн минглаб
жамоат (нодавлат) ташкилотлари фаолият олиб боради, улар
ўз тармоқларида юз минглаб фаолларни, волонтерларни,
жамоатчилик фикри етакчиларини бирлаштиради. Фуқаролик
жамияти даражасидаги ўзаро ҳамкорлик минтақа мамла-
катларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги

**Мамлакатимизда 30 июнь - Ёшлар куни муносабати билан "Ёшлар ойлиги" тад-
бирлари ўтказилиши анъананага айланди. Жорий йилда мазкур ойлик доирасидаги
тадбирларни ўтказишга ўтган йиллардагидан эртароқ киришилди. Жойларда турли
танловлар, спорт мусобақалари, фестиваль ва форумларнинг биринчи босқичлари
бошланди.**

"Ёшлар ойлиги" бошланди

Шу кунларда вилояти-
мизнинг барча ҳудудларида
ойлик доирасидаги "Беш
муҳим ташаббус олимпиа-
даси" тадбирлари қизгин
давом этмоқда. Шу ном
остидаги танловларнинг
шаҳар ва туман босқичлари
ўтказилляпти.

- Туманимиз йигит-қиз-
ларининг Ёшлар куни
олдидан ўтказилаётган
танловларда иштирок
этишга қизиқиши ўтган
йиллардагидан анча юқори,
- дейди Ёшлар ишлари агент-
лиги Қўшрабат туман бўлими
мутахассиси Жонибек Салимов.



-Танловларда иштирок этишни
истовчилар онлайн рўйхат-
дан ўтишди. Шу пайтга қадар
республика миқёсидаги "Мушо-

ира", "Ёш китобхон оила",
"Заковат", "Қувноқлар ва
зукколар" танловлари ва
айрим спорт турлари бўйича
мусобақаларнинг туман
босқичлари якунланди.

Ойлик доирасидаги тад-
бирлардан кўзланган мақ-
сад - ёшларни жисмонан
соғлом, маънавий етук ин-
сонлар қилиб тарбиялаш,
илмий-ижодий салоҳиятини
рўёбга чиқаришга кўмак-
лашиш, ўзининг ҳуқуқ ва
эркинликларини ҳимоя қили-
ши, жамиятда фаол бўлишга
ундашдир.

Отабек АЛЛАЁРОВ.

Кучли шамол ва жала кузатилди

**21 май кuni Навоий, Бухоро ва Қашқадарё
вилоятларида кучли шамол бўлди. Бу
ҳолат вилоятимизнинг айрим туманлари-
да ҳам кузатилди.**

- Унчалик кучли бўлмаган шамол Қўшрабат ту-
манида соат 17:15 да бошланиб, 18:45 да тугаган
бўлса, Нуробода 19:10 ларда якунига етди, - дей-
ди вилоят гидрометеорология маркази мутахассиси
Жамшид Сулаймонов. - Шунингдек, шамол Оқдарё ва
Самарқанд туманларида ҳам содир бўлиб, сўнг кучли
жала кузатилди.

Ушбу табиат ҳодисаси оқибатида талафотлар
бўйича вилоят favкуллда вазиятлар бошқармаси
ҳудудий бўлимларига мурожаатлар келиб тушмаган.
Эслатиб ўтамыз, 2021 йилнинг 4 ноябрида ҳам
юртимизда кучли шамоллар туфайли мавсумга хос
бўлмаган чанг-қумли бўрон ҳодисаси юз берган
эди.

24-26 май кунлари вилоятимизда ҳаво ўзгарувчан
бўлиб ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 15-20,
кундузи 28-37 даража иссиқ бўлади. 27-28 май кун-
лари эса қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдирок
бўлиши мумкин.

Ўз мухбиримиз.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ННТ лари АКАДЕМИЯСИ МУЛОҚОТИ



ўзаро ҳамкорлиқни жадал ривожлантириш учун асос яратади,
тизимли ўзаро ёрдамни таъминлайди ва учинчи секторда уму-
мий сиёсатни мувофиқлаштириш учун шароит яратади.

Маҳаллий ННТлар ҳамда Марказий Осиё жамоат ташкилот-
ларининг ходимлари ва фаоллари очиқ мулоқот форматида
ҳудудларда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги
ўзаро муносабатларни ривожлантириш имкониятлари, замо-
навий тенденциялари, чақириқлар, энг яхши тажрибалар-
ни муҳокама қилди, минтақадаги ҳар бир давлат кесимида


муваффақиятли фаолият олиб бораётган тармоқлар, коалици-
ялар, альянсларни, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини
кўриб чиқди.

Самарали мулоқотлар якунида академия иштирокчилари
шунчаки таклифларни эмас, балки келгуси ҳамкорликнинг
аниқ механизмларини, ноҳукумат ташкилотлар даражасида
Марказий Осиё минтақасида барқарор ривожланиш йўлидаги
ягона платформани шакллантириш бўйича стратегик қадам-
ларни ишлаб чиқди.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ўзгаришлар давр талаби

- Юртимизда миллий
хавфсизлиқни таъминлаш
соҳасини қонунчилик билан
тартибга солиш сама-
радорлигини оширишга
қаратилган чора-тадбирлар
босқичма-босқич амалга
оширилмоқда. Хусусан,
хавфсизлик ва ҳуқуқ-
ни муҳофаза қилиш
органлари фао-
лиятини тартибга
солувчи қонуности
ҳужжатлари ўрнига
бир қатор тегишли
ихтисослашти-
рилган қонунлар
қабул қилинди.
Мудофаа док-
тринаси тасдиқланди,
"Ички ишлар
органлари тўғрисида",
"Давлат хавф-
сизлик хизмати тўғрисида",
"Ўзбекис-
тон Республикаси Миллий гвардияси
тўғрисида", "Ўзбекистон Республика-
си Президентининг Давлат хавфсиз-
лик хизмати тўғрисида"ги қонунлар
шулар жумласидандир.

Олий Мажлис палаталари Му-
дофаа доктринаси ва мудофаа
соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатла-
рининг ижроси устидан парламент
назоратини амалга оширмоқда. Олий
Мажлис палаталари қўмиталари
томонидан Ўзбекистон Республикаси



Қуролли Кучларини янада
ривожлантириш, фуқаро-
ларнинг ҳарбий хизматни
ўташи, шунингдек, давлат
ҳокимияти ва бошқару-
ви органларининг ҳарбий
хизматни таъминлашнинг

долзарб масалалари
бўйича хавф-
сизлик хизмати
вазирликлари
ва идоралари
раҳбарларининг
ҳисоботларини
тинглаш тизимли
асосда ташкил
этилмоқда.

Буларнинг
барчаси яна

бир бор Ўзбекистонда ҳарбий соҳа
устидан ҳақиқий жамоатчилик на-
зоратини ўрнатиш давлат сиёсати
даражасига кўтарилганини кўрсата-
ди. Шундан келиб чиқиб, мамлакат
Асосий қонунига Ўзбекистон Рес-
публикаси Президенти ҳузуридаги
Хавфсизлик кенгашининг мақоми,
мақсад ва вазифаларини, шунингдек,
ваколатларини белгилловчи нормани
киратиш мақсадга мувофиқ.

**Эркин САЛИХОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'зLiDeP фракцияси аъзоси.**

Танқид "эшиқ қоқмоқда"

Нега жавоб бермайсиз, масъуллар?

**Жорий йилнинг апрель ойида "Зарафшон" газетаси(38-50-сонлар)
да 200 дан ортиқ мақола чоп этилди. Уларда вилоятимиз, давла-
тимиз, жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган янгилик, амалга ошири-
лаётган ислохотлар, аҳолини қийнаб келаётган муаммо ва ижти-
мий иллатларни ёритишга алоҳида эътибор қаратилган.**

Рақамларга келсак, уларнинг **26 таси
таҳлилий, 7 таси танқидий мақола**
ҳисобланади. Таҳлилий мақолалар-ку,
майли, уни ўқиган масъуллар ўзига
керакли хулосаларни чиқариши мумкин.
Аммо танқидий мақолаларнинг акс-садо-
си, натижаси бўлиши керак эмасиди?
Ёки мақолаларда тилга олинган идора
раҳбарлари газета ўқимай қўйдими? **Май
ойи охирида бормоқдаки, апрель
ойидаги танқидий мақолаларнинг
бор-йўғи биттасига жавоб берилган.**

Жумладан, "Зарафшон" газетаси-
нинг 7 апрель кунги 40-сонида берил-
ган **"Самарқанд туманида спортга
эътибор берилмайдими?"** сарлавҳали
мақолада 1 ва 2-боблар-ўсмирлар

спорт мактаблари мисолида тумандаги
спорт иншоотларини таъмирлашда йўл
қўйилаётган кўзбўямачилик, эъти-
борсизлик танқид қилинди. Лекин бу
муаммога ва туман спорт бўлими ва на
вилоят спорт бошқармаси масъуллари
ўз муносабатини билдирди.

Газетанинг 44-сонида эса **"Йўл
харитаси тайёрлангани?"** сарлавҳа-
ли мақола эълон қилинди. Унда вилоят
бандлик бош бошқармаси, Марказий
банк вилоят бош бошқармаси ва бошқа
масъулларнинг "Инсон кадрини улуғлаш
ва фаол маҳалла йили"да белгиланган
вазифалар ижроси юзасидан ахборот
бермаётгани айтилган. Журналистнинг
сўровини жавобсиз қолдирган масъуллар,

танқидни ҳам кўрмаганга олишдимиз?

Самарқанд шаҳридаги яна бир огрикли
масала газетанинг 45-сонида кўтарилган
эди. **"Самарқанддаги қачон жамоат
транспортга ёлчилади?"** сарлавҳаси
остида берилган мақолада жамоат транс-
портида кузатилаётган тартибсизлик, назор-
атсизлик ҳақида аниқ фикрлар билдирил-
ган. Шунингдек, газетанинг 48-сонидagi
"Жавобсиз саволлар" сарлавҳали мақо-
лада йўлларнинг сифатсиз қурилаётганли-
ги, **"Каттақўрғондаги мактабга спорт
жиҳози керак?"** сарлавҳали мақолада ту-
мандаги тўққизинчи ва бошқа мактабларга
спорт жиҳозлари берилмаётгани, 49-сонидagi
**"Ноқонуний қурилишлар қачон
барҳам топади?"** сарлавҳали мақолада
ваколатли идоралар томонидан ноқонуний
қурилишлар ўз вақтида тўхтатилмаётган-
лиги, аксар ҳолатда жараёнга маҳалла
фуқаролар йигини фаоллари, ички ишлар
органлари масъуллари ҳам томошабин
бўлаётганлиги танқид қилинган.

Танқид - тараққиёт омили, деган гап-
ни айтишни хуш кўрамыз. Аммо масъул-
лар ҳам уни тўғри қабул қилиши, муно-
сабат билдириб, жамият, халқ тақдирига
бефарқ эмаслигини кўрсатиши керак-да!
Исмоилдин САРИМСОҚОВ.



Кеча ижтимоий тармоқларда 20 майдан 21
майга ўтар кечаси Самарқанд шаҳрида ички ишлар
идоралари ходимлари сайёҳга қўпол муносабатда
бўлиб, куч ишлатгани тўғрисидаги видеоларҳалар
тарқалди ва бу ҳолат жамоатчилик томонидан кес-
кин қораланди.

Ички ишлар вазирлиги ахборот хизмати раҳбари
ШОХРУХ ГИЁСОВ ушбу ҳолат юзасидан билдирган
муносабатда тўғри хизматга жалб этилган Са-
марқанд шаҳар ИИБ Патруль-пост хизмати ходимла-
ри қўшни мамлакатдан республикамизга меҳмонга
келган сайёҳларни шахсини текшириш жараёнида
қўпол муносабатда бўлиб, хизмат вазифасини ва
махсус-техник воситаларни қўллаш ваколатини суи-
истеъмол қилганлигини қайд этди. Шунингдек, ҳолат
юзасидан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Шахсий



хавфсизлик хизмати томонидан прокуратура орган-
лари билан ҳамкорликда хизмат текшируви ўткази-
лаётгани, текширув якунига кўра, қонунчиликка зид
ҳаракат қилган барча ходимларнинг ҳамда фаолият-
га масъул раҳбарларининг хизматдан бўшатилиши ва
жавобгарлик масаласи кўриб чиқилиши билдирилди.
Ўз навбатида, Самарқанд вилояти ҳокимининг
туризмини ривожлантиришга масъул ўринбосари
РУСТАМ ҚОБИЛОВ ҳолат ИИБ ва бошқа ташки-
лотлар томонидан батафсил, атрофлича ўргани-
лаётгани ва ўрганиш натижаси оммавий ахборот
воситаларида эълон қилинишини таъкидлади. -
Келаётган ҳар бир туристнинг хавфсизлигини таъ-
минлашимиз шарт. Айбдорларга тегишли равишда
албатта чора кўрилади, - деб ёзди Р.Қобилов ижти-
мий тармоқлардаги саҳифаларида.

➡️ **Ҳоким билан учрашувдан сўнг**

Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов жорий йилнинг 23 апрель кuni Нуробод туманининг олис Омондара маҳалласида бўлиб, аҳоли билан учрашди. Бу ерда одамларни қийнаётган муаммолар ўртага ташланди. Уларнинг ечими бўйича масъулларга зарур топшириқлар берилди. Хўш, бу учрашувдан сўнг нима ўзгарди? Белгиланган вазифалар ижроси бўйича қандай ишлар амалга ошириляпти? Шу саволларга жавоб излаб, маҳаллага бордик.

ОМОНДАРА ЎЗГАРЯПТИ



4200 дан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган маҳалла тоғлар этагига, кир-адирлар бағрида жойлашган бўлиб, беш қишлоқни ўз ичига олади. 2018 йилда маҳалла марказий кўчасининг 3,5 километри таъмирлангани ҳисобга олинмаса, бу ҳудудда ўтган асрнинг 80-йилларидан бери йўлга асфальт ётқизилмаган. 2 мингдан зиёд симёғочдан 1600 таси ярқосиз аҳволга келиб қолган.

– Учрашувда вилоят ҳокими ҳудудимизда 10,5 километрлик марказий кўча асфальт қилиниши, қишлоқларнинг ички кўчаларига шағал ётқирилишини таъкидлаган эди, – дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Ҳамза Тоҳиров. – Орадан кўп вақт ўтмай, шу ва бошқа масалалар бўйича берилган топшириқларни бажаришга киришилди. Маҳалла ҳудудидаги симёғочлар бетон устунларга алмаштириляпти. 5 та янги трансформатор ўрнатилиб, 48 километрлик электр тармоғи янгиланиши режалаштирилган. Марказий кўчамиз асфальт ётқизишга тайёрланыпти.

– Ишсиз эдим, ногирон фарзандимга қаровчи бўлмагани учун узоққа бориб ишлай олмасдим, –

дейди Чўнқаймиш қишлоғида яшовчи Сурайё Асомова. – Вилоят ҳокими билан ўтказилган учрашувда қишлоғимизда сартарошхона ва аёллар учун “Гўзаллик саломи” йўқлигини айтгандим. Эркинжон Турдимов топшириғи билан ҳовлимизнинг ёнгинасида енгил конструкцияли бино қурилиб, барча шароитларга эга аёллар ва эркаклар сартарошхонаси ишга тушди. Ўзим ва турмуш ўртоғим ишли бўлдик.

Шу пайтга қадар маҳалла фуқаролар йиғини эски, кўримсиз бинода фаолият олиб бораётган эди. Бугун маҳалла учун замонавий янги бино қурилмоқда. Маҳалладаги 21-мактаб филиалига қатновчи ўқувчилар, айниқса, ёнгингарчилик пайтларда сойдан ўтишда қийналаётгани инобатга олиниб, замонавий кўприк бунёд этиляпти. Шунингдек, маҳаллада 2 та артезиан кудуғи қазиш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга киришилди. Бир сўз билан айтганда, Омондара аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилаш, турмуш фаровонлигини ошириш учун кенг қўламли ишлар бошланди.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

Бу вазифани академик Ё.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали жарроҳлари амалга оширди.

– Давлатимиз раҳбарининг шу йил 26 январда қабул қилинган “Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида аҳолига кўрсатилаётган эндокринология хизматини ташкил этишининг янги – “марказ – ҳудудий тиббиёт муассасалари – туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари” тизимини йўлга қўйиш ва уларнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш вазифаси қўйилган эди, – дейди Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали раҳбари Г.Негматова. – Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида эндокрин касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва бошқариш дастурларини амалиётга жорий этиш белгиланганди. Президентимизнинг тиббиёт соҳаси вакиллари билан очиқ мулоқотида ҳам аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан бир қатор ташаббуслар илгари сурилганди. Шу ва бошқа вазифалардан келиб чиқиб, апрель ойидан бошлаб филиал ходимлари ҳар ҳафта туманларга бориб, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарғиботини амалга оширмоқда, эндокрин касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, хасталикларни эрта аниқлаш ва даволаш юзасидан тавсиялар бермоқда. Жойларда бирламчи скрининг

Булунғурда мураккаб
ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ
ўтказилди



амалга оширилиб, аҳолини кўриқдан ўтказяпмиз. Бу жараёнда заруратга қараб, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, айрим эндокрин касалликларни туман тиббиёт бирлашмаларининг ўзида даволашни йўлга қўйдик, ҳатто жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда.

Филиал мутахасссларининг шу пайтгача Нуробод, Каттакўрғон, Пахтачи, Булунғур ва бошқа туманларда ўтказган тиббий кўриқлари ва аҳоли ўртасида олиб борган тарғибот ишлари натижасида туман тиббиёт бирлашмаларида бўқоқ хасталиклари бўйича ўндан ортиқ жарроҳлик операциялари амалга оширилди.

– Булунғур туманида ўтказилган тиббий кўриқда аниқланган 36 ёшли беморда бугун бир тугунли бўқоқ учинчи даражаси эутироз ҳолати касаллиги бўйича операция ўтказдик, – дейди Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали жарроҳи Ўткир Тешаев. – Операция муваффақиятли ўтди ва бемор дарддан фориғ бўлди. Бу каби жарроҳлик амалиёти филиа-

лимизда ҳар йили қозлаб амалга оширилади. Лекин туманларда энди йўлга қўйилмоқда. Бундай амалиёт, биринчи навбатда, аҳоли учун катта қулайлик. Улар ортиқча вақт ва харажат сарфлаб юрмайди. Барча жараён туманининг ўзида амалга оширилади. Қолаверса, бу тумандаги ҳамкасбларимиз учун ўзига хос маҳорат сабоғи бўлмоқда.

Ғ.ҲАСАНОВ.

Чиқинди қутисини ким қўйиши керак?

? – *Кўчамизда жойлашган савдо дўконлари олдида чиқинди қутилари ўрнатилмаган. Дўкондорлардан қути қўйишларини сўрасам, бунди чиқинди ташувчи корхона қўйиши керак, дейишади. “Мароканд обод” ДУК ходимларидан эса “бу ерга дўкон эгалари кўчма қути қўяди”, деган жавобни эшитяпман. Маҳалламиз марказида ва кўп қаватли уйлар олдида ҳам қутилар ўрнатилмаганлигидан маиший чиқиндилар ҳар томонга сочилиб ётади. Аслида, чиқинди қутилари ким томонидан ва қерларда ўрнатилиши керак?*

Сардор РАҲИМОВ,
Самарқанд шахридан.



Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги қарори билан тасдиқланган “Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектиларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидалари”га кўра, чиқинди қутиларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳудудларни тозалаш учун масъул бўлган жисмоний ва юридик шахслар томонидан мажбурий тартибда бажарилади. Савдо дўконларидан 10 метрдан узоқ бўлмаган масофада

кўчма чиқинди қутилари дўкон эгалари томонидан қўйилиши зарур. Кўп қаватли уйларда, ташкилотларда 1 тадан, ер ости ўтиш жойларига 2 тадан, маданият ва истироҳат боғларида ҳар 800 м² майдонда 1 тадан, йўлакларга 40 метрдан узоқ бўлмаган масофада 1 тадан ўрнатилиши кўзда тутилган. Шунингдек, бозор, бекат, автотўраргоҳ ва машиналарни вақтинча сақлаш майдончаларида 1-2 тадан чиқинди қутилари ўрнатилиши лозим. Даволаш муассасаларида, майдонлар, йўлақлар ҳамда

магистрал кўчаларнинг пиёдалар ҳудуди бўйлаб, шунингдек, кўприкларда, пиёдалар серкатнов бўлган ҳудудда 50 метрдан, одам кам жойларда эса ҳар 100 метрдан ошмаган масофада 1 тадан қути қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур ҳудудлардаги чиқинди қутилари маҳаллий ҳокимликлар билан тузилган ўзаро келишувларга мувофиқ, “Мароканд обод” ДУК томонидан ўрнатилади.

Зафар ҚАРШИЕВ,
“Мароканд обод” ДУК
ҳуқуқшуноси.

Бир рақам шарҳи

Вилоят давлат солиқ бошқармаси тақдим этган маълумотга кўра, 2021 йил ҳамда жорий йилнинг ўтган вақтида хизмат кўрсатиш йўналишида фаолият олиб борувчи 2405 та тадбиркорлик субъекти ноль кўрсаткичли солиқ қўрсатботини топширган.

Соҳа мутахассислари томонидан берилган ҳуқуқий маслаҳат ҳамда тушунтириш ишларидан кейин улар томонидан 1534 миллион сўм солиқ қайта ҳисобланган. Жараёнда 1923 та тадбиркорлик субъектига дастлабки бухгалтерияни юритиш, 234 тасининг 371 миллион сўм бошқа солиқ турларидаги ортиқча тўловини қайтариш, 111 тасига 142,1 миллион сўмлик солиқ қарзини тўлаш мuddатини узайтириш, 45 тасига солиқ режими таллашда амалий қўмак берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-қарори билан “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”-ги қарори қабул қилинди.

Ҳужжат билан кўчмас мулк бузилишга тушган ёки тушмаганлиги тўғрисида маълумотнома бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламенти тасдиқланди.

Мазкур регламент юридик ва жисмоний шахсларнинг (кейинги ўринларда — ариза берувчилар) республика миқёсида нотурар бино ва иншооти ҳамда тураржойларни бузилишга тушганлиги ёки тушмаганлиги ҳақида маълумотнома (кейинги ўринларда — маълумотнома) бериш тартибини белгилайди. Яъни, уй-жойнинг “снос”га тушганини аниқлаш бўйича давлат хизмати кўрсатилади, десак нотўғри бўлмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари маълумотномани тақдим этувчи ваколатли орган ҳисобланади. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли органлар ўртасида ахборот алмашиш электрон рақамли имзодан фойдаланган

ТИЛАНЧИЛИК — САМАРҚАНД ЮЗИДАГИ ДОҒ

Бундай турдаги ҳуқуқбузарлик учун мингдан ортиқ одам ички ишлар бўлимларига келтирилган. Уларга тегишли тартибда жавобгарлик чоралари белгиланган.

Қайд этиш лозим, қонунчиликда тиланчилик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан 3 бараваригача жарима солиш ёки 15 суткагача мuddатга маъмурий қамоқ жазоси белгиланган.

Бу ҳақда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи Жонибек Самандаров иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида айтиб ўтилди.

Таъкидланганидек, патруль-пост хизмати - жойларда жамоат тартибини сақлашда асосий хизмат органларидан

бири. Шу боис вилоятда патруллик хизматини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, шу жумладан, замонавий ахборот технологияларини жорий этиш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда.

– Ҳудудидидаги тезкор вазиятдан келиб чиқиб, патруль-пост хизмати батальони нарядлари Самарқанд, Ургут ва Паст Дарғом туманларига ҳамда ШХТнинг навбатдаги саммити иштирокчилари ташифи режалаштирилган объектлар атроф-ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, хавфсизлиқни таъминлашга жалб этиб келинмоқда, – дейди Ж.Самандаров. – Жорий йилнинг ўтган тўрт ойда нарядлар томонидан 23 та жиноят бевосита фох этилиши, 117 та жиноятнинг олди олиниши таъминланиб, жиноят содир этиб, қидирувда бўлган 15 нафар



ҳамда бедарак йўқолган 2 нафар шахс аниқланди.

Шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этган 17317 нафар шахсга нисбатан тегишли тартибда маъмурий баённома-

тўлдирди ва уни ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

Хизматни кўрсатиш учун базавий ҳисоблашнинг 5 фоизи миқдорида (ЯИДХП орқали мурожаат қилганда сумманинг 90 фоизи) йигим ундирилади. Ваколатли орган “снос” ҳолатини ўрганиб, натижаси бўйича QR-кодли маълумотномани ДХМ ёки ЯИДХП орқали тақдим этади.

Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли органлар ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган ариза берувчи ҳақидаги маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш керак.

Маълумотнома расмийлаштирилган куннинг ўзида «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида автоматик равишда ҳисобга олиб борилади.

Баҳодир ҚАРШИЕВ,
вилоят ҳокимлиги бош юрисконсулти.

лар расмийлаштирилди.

– Президентимизнинг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва амалга ошириш тўғрисида”ги фармони асосида Каттакўрғон шаҳрида Каттакўрғон шаҳри, Пахтачи, Каттакўрғон ва Нарпай туманларига хизмат кўрсатувчи патруль-пост хизмати бўлинимаси учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 25 штат бирлиги ҳамда хизматда фойдаланиш учун 12 та автотранспорт воситаси ажратилиши режалаштирилган, – дейди Ж.Самандаров. – Шунингдек, вилоят ИИБ ЖХХ жамоат тартибини сақлаш бошқармаси патруль-пост хизмати батальони таркибида 11 нафар ходимдан иборат отлиқ гуруҳи ташкил этилди.

Ҳозирда патруль-пост хизмати ходимларини махсус ахборот базасига интеграция қилинган планшет ҳамда бодикамера билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

➡️ **Бизга ёзишларича**

Оқдарё туманидаги Пиллол қишлоғида жойлашган 7-умумтаълим мактабида маҳаллий ўқувчилардан ташқари Иштихон тумани билан чегарада жойлашган Чигирткали ва Тўғай қишлоқлари аҳолисининг 35 нафарга яқин фарзандлари ҳам келиб ўқишади. Бироқ уларни яна бир муаммо қийнаб келади. Бу мактаб йўлидаги иккита каналга қўйилган қўлбола кўприклардир.

КўПРИКСИЗ КАНАЛЛАР

Яқинда ўқувчи бола билан фожеа юз берди. У мактабга бораётиб, Пиллол қишлоғига киришда ўтган каналнинг кўпригидан пастга йиқилиб тушди. Шундан сўнг тўғайлиқлар болаларини мактабга юборишга қўриқиб қолишди. Ушбу муаммони кўтариб, бир неча бор иккала туман раҳбарларига мурожаат қилдик. Аммо эътибор қаратилмади. Тўғай қишлоғи ёнидан ҳам яна битта канал оқиб ўтади. Унга ҳам кичикроқ бўлса-да, кўприк қуриб берилса, ўқувчиларнинг қатнашларига қулай бўлар эди.

ЧАЛА ИШ - КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Қишлоғимиз ичидан Ойтамағали маҳалласига қадар 2 километр ички йўлнинг асфальт қилинганига 30 йилдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, бирор марта таъмирланганини эслай оlmайман. Ҳақиқатда, қишлоғимиз билан ушбу йўлни таъмирдан чиқаришларини сўраб, туман ҳокимига бир неча бор мурожаат қилдик. Ниҳоят, ўтган йили вилоят ҳокимига мурожаатимиздан сўнг туман йўл қурилиши корхонаси ишчилари келиб, таъмирлаш ишларини бошлаганида хурсанд бўлган эдик. Бироқ кўчанинг 1 километри асфальт қилинган, ажратилган маблағ тугади, деган ваз билан ишлар тўхтаб қолди. Қўшни маҳаллагача бўлган йўлнинг минг метр масофадаги қисмини тугатишларини сўраб қилган мурожаатларимиз бечасар кетди. Ҳозирда асфальт қилинган 1 километрлик йўл ҳам сифатсиз амалга оширилган экан шекилли, ўйим-чўқур бўлиб борапти.

ТУПРОҚ БИЛАН ТЎЛДИРИЛАТГАН “ЯМА”ЛАР

Яқинда йўлсозларнинг М-39 автомагистралнинг қишлоғимиздан ўтган ҳудудда йўлнинг ўйим-чўқурларини тупроқ билан тўлдирётганини кўриб, ҳайрон қолдик. “Қўнлар исиб кетган, асфальт билан аямимиз, ёнгингарчилик пайтларда эса шунчақа усул қўлламасак бўлмайди”, дейишди. Ёки улар ёнгингарчилик пайтида юк машиналари чўқурдаги тупроқни яна чиқариб ташлашини билмайдими?

Шунингдек, йўловчиларнинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатувчи “Оқ йўл!”, “Йўлингиз беҳатар бўлсин!” каби ёзувлар йўқолиб кетди. Магистраль йўл ёқасида жойлашган айрим маҳаллаларга киришдаги йўл кўрсаткичи, реклама тахталари турлича харфларда, қинғир-қийшқ ёзувлар билан ёзилганига нима дейсиз?

Жамил МАЖИДОВ,
Оқдарё тумани Пиллол қишлоғи.

Йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига амал қилиш барчамиздан масъулиятли бўлиш-ни талаб этади. Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятлар қаторига йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ бўлган жиноятлар ҳам киради.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда одам ўлими билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ошиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДИХХХ маълумот-ларига кўра, 2019 йилда 9864 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, улардан 1642 таси бевосита одам ўлими-га сабаб бўлган. 2020 йилда эса 10130 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган бўлиб, улар оқибатида 1867 нафар инсон ҳалок бўлган. Ўтган 2021 йил давомида мамлакатимиз йўлларида 10001 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, 9230 нафар фуқаро турли даражада жароҳатланган ва 2436 нафар киши вафот этган.

Бу каби оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларига сабабчи бўлган айбдор шахсларга нисбатан Жиноят кодек-сининг 266-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган. Мазкур моддага кўра, автомашинани бошқарётган шахс-

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ СОДИР ЭТГАНЛАР

жиноий жавобгарликка тортилади

нинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида бошқа шахс ўртача оғир ёки оғир даражадаги тан жароҳати олиши-га сабаб бўлса, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдори-нинг 50 бараваригача миқдорда жарима ёки 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёҳуд 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо тайинланиши мумкин. Шундай қоидабузарлик одам ўлимига сабаб бўлса, автомашина бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 7 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо, агарда одамлар ўли-ми ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, автомашина бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 10 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилган.

Бу соҳадаги миллий қонунчилигимиз такомиллаштири-либ, Вазирлар Маҳкамасининг 370-сонли қарори билан тас-

диқланган "Йўл ҳаракати қоидалари"га йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш имконини берувчи янги қўшимчалар киритиш бўйича ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2022 йилнинг 13 апрелида Вазирлар Маҳкамасининг 172-сонли қарори билан амалдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"га бир қатор ўзгартришлар киритилди. Жумладан, мазкур қарорга му-вофиқ, аҳоли пунктларида транспорт воситалари ҳаракати тезлигини соатига 70 км/с дан, мактаб ва боғчалар атро-фидаги йўлларда эса 300 метргача масофада 30 км/с дан, тураржой даҳалари ва ёндош ҳудудларда (уй-жой бинолари орасидаги ер участкасида) эса соатига 20 км/с дан ошир-масдан ҳаракатланишга рухсат этилди. Шунингдек, ҳаракат давомидаги хавфсизлик таъминланиши учун ҳайдовчининг ёнидаги олд ўриндиқда кетаётган йўловчи ҳам хавфсизлик



камарини тақиши шартлиги белгиланди. Шу билан бирга, бир нечта йўл белгиларининг янгиланган кўринишдаги на-муналари ҳам қабул қилинди. Мазкур "Йўл ҳаракати қоида-лари"га киритилган ўзгартришлар 2022 йилнинг 1 майдан амалга таъбиқ этилди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида олиб борила-ётган бу каби ислохотлардан кўзланган асосий мақсад - йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўлларда хавфсиз ҳаракатланишни таъминлашдан иборат.

Жамил САДИКОВ,
ИИБ Академияси тергов фаолияти
мутахассислиги 3-курс курсанти.

РЕКЛАМА, E'LOMLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида"ги ПҚ-168-сон қарорига мувофиқ, давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг бўш турган кўчмас мулк объектлари ҳамда улушлари "E-auction" электрон савдо платформаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

№	Объект номи	Балансда сакловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Умуий ер майдони (га.)	Қурилиш ости майдони (кв.м.)	Савдоларга чиқарилган бошланғич нарх (сўм)	Савдо санаси	Ариза беришининг охириги мuddати
1	"Автогараж" бино иншоотлари	Каттакўргон шахар ҳоқимлиги	Каттакўргон шахар "Ғариб масжид" МФЙ	0.11	207.54	312 000 000,0	20.06.2022 й.	20.06.2022 й.
2	Бўш турган бино	Иштихон тумани ҳоқимлиги	"Шайх ислом" МФЙ	0.15	131.32	187 500 000,0	20.06.2022 й.	20.06.2022 й.

Аукционга қатнашиш тартиби:
- ушбу объектларни "E-auction" электрон савдо платформаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auction.uz" сайти майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин "e-auction.uz" сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёниларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний ва юридик шахслар Давлат хизматлари марказидан ёки "e-auction.uz" сайти орқали электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин.

Аукционга қатнашиш учун ариза бериш тартиби:
- рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auction.uz" сай-

тида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб, ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос тақрирланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг "Шахсий кабинет"ига ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аук-

цион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтда кўрсатилган муддатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:
- иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг савдо бошлангандан кунда (вақтда) иштирокчилар e-auction.uz сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"ига киради ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади. Иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куни соат 10:00 да бошланади).

Аукционга қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақами берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан

ли ўғли номига берилган U № 1919337 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 105-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Умарова Гулноза Холиқбердиевна номига берилган U № 0541478 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Ибрагимов Обломурод Махматмуротович номига берилган U № 1145642 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Зарифбоева Маржона Эрали кизи номига берилган UM № 0542086 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 26-мактабдан 1996 йилда Фармонов Навруз Қахрамонович номига берилган UZI № 356609 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 85-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Акбаров Шерзод Самех ўғли номига берилган U № 3706530 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 112-ўрта мактабдан 1992 йилда Раббонова Дилором Хурсановна номига берилган АО № 225903 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Суянова Зилола Соиб кизи номига берилган U № 3140016 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 42-мактаб (ҳозирги Самарқанд шаҳридаги 76-умумий ўрта таълим мактаби)дан 1984 йилда Джураева Назира Насридиновна номига берилган Д № 983307 рақамли саккиз йиллик маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд ветеринария медицинаси институти академик лицейидан 2021 йилда Қобилова Зиёда Исом кизи номига берилган рўйхат рақами 342, Л № 0045903 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалидан 2011 йилда Мирзаев Джурабек Сувонқулович номига берилган рўйхат рақами 88, В № 555497 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат тиббиёт институтидан 2011 йилда Зиёева Нафиса Холмирзоевна номига берилган рўйхат рақами 32216, № 301346 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалидан 2013 йилда Зиёева Нафиса Холмирзоевна номига берилган клиник ординатурани тугатганлиги тўғрисидаги рўйхат рақами 104, АА 005035 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ педагогика коллежидан 2015 йилда Аҳадқулова Мадина Самад кизи номига берил-

“СИЁБ ДЕҲҚОН БОЗОРИ”

масъулияти чекланган жамият

ТАЪСИСЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2022 йил 23 июнь куни соат 11:00 да жамият таъсисчиларининг навбатдаги йиғилиши "Сиёб деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамиятининг маъмурият биносида ўтказилади.

Йиғилиш кун тартибиди:
- жамият директорининг 2021 йил учун ҳисоботи;
- "Сиёб деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамият кузатув кенгашининг 2021 йил учун ҳисоботи;

- жамият тафтиш комиссияси ҳисоботи;
- 2021 йил якунлари бўйича аудит хулосасини тасдиқлаш;
- жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш;
- жамиятнинг 2021 йил бўйича олинган фойдасини тақсимлаш;
- жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган бизнес режасини

тасдиқлаш;
- 2022 йил учун аудиторлик ташкилоти ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш;
- жамият ҳисобидаги яроксиз электрон тарозиларни ҳисобдан чиқариш масаласи;
- "Сиёб деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш;
- "Сиёб деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамият кузатув кенгаши тафтиш комиссиясини сайлаш;
- "Сиёб деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамият директорини сайлаш.

Манзил: Самарқанд шаҳри Бибихоним (8-март) кўчаси, 8-уй. Мурожаат учун телефон: (66) 235-03-83.

"Сиёб деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамият маъмурияти.

Акциядорлик жамияти

"AGALYK-LOHMANN-PARRANDA"

қўшма корхонаси

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлик жамияти "Agalyk-Lohmann-Parranda" қўшма корхонаси (СТИР 200972645) Самарқанд туман Илонсой МФЙ, (собиқ акциядорлик жамияти "Agalyk-Lohmann-Parranda" қўшма корхонаси) биносида 2022 йил 20-май куни жамиятнинг ихтиёрий тугатиш бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилган.

Ушбу йиғилиш қарорига билдириладиган барча мурожаат ва даъволар газетда эълон чоп этилгач, 1 (бир) ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд тумани Илонсой МФЙ (собиқ акциядорлик жамияти "Agalyk-Lohmann Parranda"қўшма корхонаси). Телефон: (66) 231-21-32, (97) 399-73-37.

ган рўйхат рақами 330, К № 3807770 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайарик қишлоқ ҳўжалик махсулотларини қайта ишлаш ва сервис касб-хўнар коллежидан 2017 йилда Норматова Умида Саликуловна номига берилган рўйхат рақами 73, К № 0296009 рақамли имтиёзли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат педагогика институтидан 1989 йилда Суянов Акрам Олимович номига берилган рўйхат рақами 16240, УВ-1 № 036938 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтидан 2009 йилда Эргашев Жасур Шарифович номига берилган рўйхат рақами 78, В № 459635 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши Тойлоқ туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Карим Рахимовга турмуш ўртоғи

Тотшиби ШОЙИМОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Салим Худойназарова онаси

Тотшубуи ХУДОЙНАЗАРОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



Адолат ўзимиздан бошланади

Гарчи илгари фаол муаллифлардан бири бўлсам-да, анчадан буён турмуш ташвишлари билан бўлиб, “Зарафшон”га мақола ёзмай қўйган эдим. Лекин ижтимоий тармоқларда ва нашрларда айрим ношукурларнинг мулоҳазаларини ўқиб қўлимга қалам олдим, ўзим кўриб турган воқеаларни нотўғри талқин қилаётганларига чидаб туrolмадим.

Қарнабота вилоятдаги энг чекка қишлоқлардан бири, туман марказидан 30 километр узоқда, чўл ҳудудида жойлашган. Яширмайман, кейинги 20-25 йил ичида бу маскан бутунлай эътибордан қолган эди. Йўллар-ку, майли, ҳатто мактаб, болалар боғчалари, савдо дўконлари, шифохоналар ҳам хароб ҳолга келган эди. Вилоят ва туманда раҳбарларнинг биз томонга келиши мушкул. Энди эса вазият бутунлай ўзгарди.

Кейинги беш-олти йил ичида Қарнабота ўзгариб кетди. Қишлоқдаги деярли барча йўлларга асфальт ётқизилди. Қишлоққа чўл томондан - Сепки ва Навойидан келувчи йўлларда ҳам қайта қуриш ишлари олиб бориляпти. Ўтган йили Зиёвуддин - Қарнабота йўлини капитал таъмирлаш бошланди. Бундан ташқари, 2021 йилда ичимлик суви тармоқлари олиб келиш учун бошланган ишлар яқинда нихосига етказилди. Ана шу ишларни амалга ошириш жараёнида қишлоғимизга Президент маслаҳатчилари, вилоят ҳокими, вилоят ИИБ бошлиғи бир неча бор келиб, одамлар ҳолидан

хабар олишди. Шу ўринда Навоий кон-металлургия комбинати бош директори Қ.Санакуловга ҳам раҳмат айтамиз. У кишининг ташаббуси билан электр тармоқлари ва ускуналарни деярли янгиланди. Ҳозирги кунда электр энергияси таъминотида узилишлар бўлма-япти. Ваҳоланки, илгари қор, ёмғир ёки шамолдан кейин ҳафталаб чироксиз ўтирардик. Табиий газ қувурлари ер остида бўлганлиги учун яроқсиз ҳолга келиб қолган экан. Ана шу қувурлар қисқа муддатда алмаширилди. Дарвоқе, яқинимизда бўлган Қўрғонча, Кетмончи қишлоқлари ҳам суюлтирилган газ билан таъминланмоқда. Ўзим ўқиган ўрта мактаб таъмирдан кейин қўзимга нихоят-да гўзал кўринади. 43-мактабгача таълим ташкилоти, шифохона ҳам таъмирдан чиқарилди. Мен бу гапларни бежиз айтмаяп-



ривожи учун фидойилик кўрсатмоғи зарур. Берсанг, ейман, урсанг, ўламан қабилада иш тўтиб бўлмайди. Ислохотлар инсон учун, биз учун эканми, демак, унинг ижросида ҳам ўзимиз фаол қатнашимиз керак.

Холмурод ҚАҲҲОРОВ,
Пахтачи туманидаги
Қарнабота қишлоғи.

Мулоҳаза

ман. Ҳамқишлоқларим давлат томонидан берилётган имкониятларни, ғамхўрликларни сезяпти. Улар ана шунга яраша яшашга ҳаракат қилишяпти. Мисол учун, ҳамқишлоқларимиз Т.Исаев, О.Шукүров, А.Шукүров қабристон деворларини, ташқи ва ички йўлаklarини таъмирлаб беришди. Бир гуруҳ тадбиркорларимиз қишлоқ атрофидаги лалми ерларда қовун, тарвуз ва мева етиштиришни бошлаб юборишди.

Қишлоғимизда “Яшил макон” доирасида жуда катта ишлар қилиняпти. Ҳар бир кўча, ҳар бир ҳовлида инсон учун фойдали дарахтлар ўтказилди. Самарқанд шаҳрида яшовчи қарнаблик фуқаролар қишлоғимизга 3 минг туп меваги ва манзарали дарахт кўчатлари келтириб экишди.

Яқинда туман ҳокими билан учрашув чоғида фуқароларимизга ўнлаб янги лойиҳалар таклиф этилди. Жунни қайта ишлаш, тош майдалаш ва бошқа ҳунармандлик цехларини барпо этишга келишилди. Бу ҳам қишлоқ фуқароларининг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Демоқчиманки, бугун ҳар бир инсон ўз юрти, ўз қишлоғи, ўз оиласи

Говбандликлар сўзнинг қудратини ҳис қилди

Оқдарё туманидаги 8–умумтаълим мактабида ижодий учрашув бўлиши ҳақида эшитган ижодкор борки, келаверди. Ахир сўз қадрини сўз билан ишлайдиганлар, унинг заҳматини чекиб, ҳар бир гапида унинг салмоғини англаб гапирадиган, ёзадиганлар тушунади-да. Оқдарёда ўтган ижодий анжуман турли доирадаги инсонларни бирлаштиргани, ижод, маънавий тафаккур жамиятнинг энг муҳим устунларидан бири эканлигини яна бир қарра исботлади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими, “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари тахририяти ҳамда Оқдарё тумани ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган “Сўзнинг қудрати” номли ижодий анжуманда ижодкорлар, туман ҳокими ҳам сўзнинг таъсири билан боғлиқ воқеаларни мисол келтирди.

– Яқинда туманда ўтган сайёр қабуллардан бирида бир онахон қўлимга дафтар узатди, – дейди Оқдарё туман ҳокими Ш.Қудратов. – Нима масалада сизга ёрдам керак, десам, “Сиздан ёрдам сўраб келганим йўқ. Фақат шу ёзган шеъримни ўқиб кўринг, илтимос ва унда ёзилган фикрлар бир умр сизга ҳамроҳ бўлсин”, деди. Ўқисам, шеърда мансабдорларнинг оёғи ердан узилиб кетиши, унинг салбий таъсири билан боғлиқ фикрлар чиройли тасвирланган



экан. Тўғриси, таъсирландим, шеърни олиб қолдим, тез-тез ўқиб тураман.

Туман мактабларининг маънавият тарғиботчилари, ижодкорлар иштирок этган мазкур тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Х.Очилов, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ф.Тошев мактаблар-

даги ижодий муҳит, ўқувчиларнинг ижодий салоҳияти шаклланишида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиларнинг ўрни ҳақида сўз юритди.

Учрашувда “Зарафшон” газетаси муҳбири Гулрух Мўминованинг “Нафосатнинг қудрати” номли китоби тақдими ҳам бўлиб ўтди.

– Шогирдимнинг илк китоби менда катта таассурот қолдирди, – дейди ижодкор Ойгул Маматова. – У ўз китобида хотин-қизларнинг дарду армонла-

рини, режаларини, уларни қийнаётган муаммоларни ёритган.

Тадбирда оқдарёлик ижодкорларнинг ютуқлари, ёшларга кўрсатилаётган эътибор эътироф этилди.

Жасур ЭГАМОВ,
Оқдарё туманидаги 1-умумтаълим
мактаби ўқитувчиси.

Насрий масаллар

ЁЛҒОН ВА ҲАҚИҚАТ

– Мен сендан минг чандон яхши яшайман, – мактанибди Ёлғон.
– Тўғри, лекин мен сендан минг чандон узоқ яшайман, – дебди Ҳақиқат.

ҚУЛФ ВА КАЛИТ

– Сени очаман, деб роса қийналиб кетдим-да, ошна, – дебди Калит нолиган бўлиб.
– Биламан, аммо мен бўлмасам, сенинг керагинг ҳам йўқ-да, жўра, – дебди Қулф.

ПУЛНИНГ ЖАВОБИ

– Нега сени топиш бунчалар мушкул, – сўрашибди Пулдан.
– Сира ундай эмас. Ақлни сал ишлатинглар, ахтариб, овера бўлмайсизлар, ўзим сизларни топанам дебди у.
Нуриддин ЯХЁЕВ,
Иштихон тумани.

Ўқувчиларни саёҳатга олиб чиқиш тартиби бор(ми?)

Баҳор фасли, айниқса, ўқув йили якунида мактаб ўқувчиларининг тарихий жойлар, истироҳат ёғлари ва паркларга саёҳати авж олади. Кўпроқ туманлардан мактаб ўқувчилари автобусда Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб келинади. Бундай саёҳатлар қатъий қонун-қоидалар асосида ташкил этилиши керак. Сабаби, йўлда турли бахтсиз ҳодисалар рўй бериши мумкин. Вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасидан олинган маълумотга таянган бўлсак, 2021-2022 ўқув йилида вилоятда саёҳатга чиққан мактаб ўқувчилари билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлмаган. Бу яхши, албатта, аммо

бошқа вилоятларда саёҳатга чиққан ўқувчилар билан боғлиқ ҳодисалар рўй берган. Вилоят халқ таълими бошқармаси маълумотига кўра, мазкур саёҳатлар Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли қарори асосида ташкил этилади. Ҳар 15 ўқувчига 1 нафар масъул ўқитувчи бириктирилиб, вилоят ҳудудида халқ таълими бошқармаси ва ИИБ ЙҲХБ билан келишилган ҳолда патруль автомобиллари кузатуви остида, йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиш учун тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган (лицензия, шартнома), қатъий равишда ДЙҲХХ ходимлари томонидан техник кўрикдан

ўтган транспорт воситалари билан ҳамда ҳудудий профилактика инспектори (инспектор-психолог) ва тиббиёт ходими ҳамроҳлигида чиқишлари белгиланган.

Ўқувчи ва ўқитувчиларни мамлакатимизнинг тарихий-маданий мероси, унинг ноёб табиати билан яқиндан таништириш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 6 январдаги хати ва “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” ички туризми ривожлантириш дастури асосида йил давомида 68670 нафар педагог-ҳодим ва ўқувчиларнинг саёҳатларини уюштириш режалаштирилган.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

Ҳайдовчининг кундалигидан

Самарқанд шахрининг халқ тилида “поворот” дея аталадиган жойидаги чорраҳада тўхтаганим учун камерага “тушиб”, яхшигина жарима тўладим. Қизиқ, ўша жойда кун давомида турадиган, автобус бекатини “ўзлаштирган” киракашлар ҳам жарима тўлармикан? Ёки уларнинг “иммунитет”и борми?

Бугун Самарқанд шаҳрида равон деса бўладиган кўчалар сони оз. Эътиборлиси, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари ҳам рейд ёки назорат тадбирларини фақат шу кўчаларда ўтказди. Бошқа серкатнов йўллар, масалан, Амир Темур, Тонг, Али Қўшчи, Туркистон кўчаларига на ГАИ ва на йўлсозлар бош суқади? Бу кўчаларда тартиб бўлиши керак эмасми?

Машинасига камера ўрнатиб, тезлигини пасаёйтириш орқали ортидан келаётган ҳайдовчиларни қоида бузишга мажбур қилаётган “бизнесмен”лар учун ҳам жазо белгиланиши лозим.

Светофорнинг сариқ чироғи ёниши билан олдидаги автоулов ҳайдовчисига сигнал берадиган ҳайдовчилар диққатига! Сариқ чироқ огоҳлантирувчи, яшил эса ҳаракатланиш мумкинлигини аңглатувчи белги ҳисобланади. Сигнал босиб, ўзингиз ва бошқаларнинг асабини бузманг.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

25 МАЙ

Абдурашид ЖАББОРОВ – 1950 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Биология фанлари доктори, профессор.

30 МАЙ

Исроил ЖУМАНОВ – 1943 йилда Ғаллаорол туманида туғилган. Техника фанлари доктори.

31 МАЙ

Акбар БАРНОЕВ – 1951 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ёғоч ўймаkori. “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби.

Оқсоқол

Инсон манзаралари

Умр бўйи турли лавозимларда ишлаган Сафар бобо ёши саксондан ошган бўлса ҳам одамлар ташвиши билан яшайди. Маҳалла-кўй ишларига аралашиб юради, бировга танбеҳ беради, бировга насиҳат қилади. Бу кимгадир ёқади, кимгадир ёқмайди. Лекин ҳеч ким бободан хафа бўлмайди. Жума намозидан қайта-ётганда кўшинси Ҳосил фермернинг ҳовлисида иморат учун пойдевор қўяётган уч мардикор йигитга кўзи тушди.

– Ҳорманган, ҳорманглар! – Сафар бобо бетон қораётган йигитлар ёнига келди.

– Ассалому алайкум, бор бўлинг! – Ваалайкум ассалом, баракалла, чарчаманглар! – йигитлардан бири унинг кўзига иссиқ кўринди.

– Жиянқулмисан? – деди йигитга қараб.

– Ҳа, менман.

– Сени институтни битириб келиб, заводда инженер бўлиб ишляпти, деб эшитувдим...

– Ҳа, ишлятувдим, маоши кам экан, маъқул келмади.

– Шундаки? – унинг қошлари чимирилди. – Хафа бўлма, отангга ўхшамасан. Раҳматлик оддий иш-

чидан ҳўжалик раҳбари даражасига кўтарилганди. Қадрдон дўст эдик, бир умр бирга ишладик. Бирор марта маош, лавозим деб ишдан бўйин товламаганимиз. Сен, нима, диплом олган заҳотим министр бўламан, деб ўйловимдиг. Ёшсан, иш ўрган, тажриба орттир, ўзингни кўрсат, юқори лавозимга ўзлари кўтаришади. Ишни ташлаганинг яхши бўлмабди.

Жиянқулга бобонинг насиҳатомуз дашнолари оғир ботди. Бирок ҳўрмати учун эътироз билдиришга журъат қилолмади: “Қизиқ экан, мен билан неча пуллик иши бор, тавба!...”

...Бир кундан кейин мардикор йигитлар пойдевор қуйиб бўлишгач, иморат деворини тиклашга киришдилар. Улар орасида Жиянқул кўринмас, ўрнида бошқа бир йигит ишларди. Сафар бобо “Оббо, насиҳатинг оғир ботиб, Жиянқул ишни ташлаб кетибди-да”, деб ўйлади. Кейин эшитса, Жиянқул заводдаги ишига қайтибди. Сафар бобо мамнун бўлди: “Отасининг ўғли-да, насиҳатимдан ҳулоса чиқарибди, ҳали катта лавозимларга кўтарилади”.

Тоғаймурод
ШОМУРДОВ.

Navbatchi muharrir:

G'.HASANOV.

Navbatchi:

S.MARDIYEV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda



MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 372 nusxada chop etildi. Buyurtma . Hajmi 2 bosma taqiq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00